

**Корхоналарда экспорт операциялари ҳисобини  
такомиллаштириш**

***Расулова Зилола Абдигонпаровна***

*Тошкент Кимё Халқаро Университетининг “Банк иши ва  
бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ўқитувчиси.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатлар ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотиш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган кичик корхоналар улушини ошириш имконини беради. Ташқи иқтисодий фаолият чет эллик ҳамкорлар билан мамлакат ҳудудида ва хорижда операциялар бажаришни назарда тутди. Ушбу фаолият доирасида савдо, сервис, инвестиция операциялари амалга оширилади, ташкилотлар устав капиталига ҳиссалар киритилади, ижара расмийлаштирилади ва ҳ.к.

**ЭКСПОРТ КОНТРАКТИ**

Ҳар қандай бошқа шартнома сингари, у Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган умумбелгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда расмийлаштирилади. Бундан ташқари, қуйидагиларга мувофиқ халқаро контрактларга (экспорт контракти улар жумласига киради) қўшимча талаблар қўйилади:

- Ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова) II бўлими;

- Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 21.12.2017 йилдаги 1006-сон қарори билан тасдиқланган) 4-боби – ЎЗР ТСВда рўйхатдан ўтказиладиган контрактлар учун. Бош бухгалтер бухгалтерия ҳисобида акс этириладиган ва экспорт битимига солиқ солинишига асос бўладиган ахборотга эътибор қаратиши зарур. Улар:

- контракт предмети, бунда товарнинг (ишлар, хизматларнинг) номи, техник хусусиятлари, сони ва сифати, шунингдек битим тури кўрсатилади;

- халқаро Инкотермс қоидалари бўйича белгиланадиган етказиб беришнинг асосий шартлари;

- товарни етказиб бериш муддати. Бу муҳим элемент ҳисобланади, сабаби етказиб бериш муддатларини бузиш экспортчи жарима санкциялари кўринишида қўшимча харажат қилишига олиб келиши мумкин;

- контрактнинг нархи ва умумий қиймати. Товар нархини белгилашда контрактда ТИФ ТН кодига биноан товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлигининг нархи, қайд этиш услуби, асосий нархи («Инкотермс» етказиб бериш шартларига биноан товар нархини белгилаш ҳамда харажатларни етказиб берувчи билан харидор ўртасида тақсимлаш тартиби) кўрсатилади;

- тўлов шартлари – тўлов валютаси, шакли ва муддати. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, валютанинг қайта ҳисоб-китоб курси ва мазкур курсни белгилаш санаси кўрсатилган бўлиши керак;

- товарни қадоқлаш ва тамғалаш. Агар товарнинг тури бўйича қадоқлаш ва идишга жойлаш зарур бўлса, контрактда қадоқлаш ва идиш тури, уларнинг ўлчами ва сифати кўрсатилади. Агар қадоқлаш воситалари ва идишлар сотувчига қайтарилса ва уларнинг нархи товарнинг умумий қийматига киритилмаган бўлса, улар кимнинг ҳисобидан ва қандай муддатларда қайтарилиши кўрсатилади;

- кафолатлар. Мувофиқлик бўйича сертификатланиши лозим бўлган товарлар учун сотувчи томонидан тақдим этиладиган ҳажмлар, кафолат муддатлари белгиланади. Сотувчи зиммасига кафолат муддатида товар сифати учун жавобгарлик юкланади. Контрактда сотувчи кафолат мажбуриятини бажариши тартиби ва у амал қиладиган вақт белгиланади;

- санкциялар – контракт мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун пеня ва (ёки) жарималар. Айбдор

томон зиммасига жабрланган томон талабига кўра унга жарима тўлаш мажбурияти юклатилади

### **ТСОЯЭАТ**

Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) ташқи савдо контрактлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда экспортчилар, божхона ва солиқ органлари, Марказий ва тижорат банклари ўртасида ахборот айирбошлаш учун яратилган. Экспортчи корхоналар электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб, ТСОЯЭАТга қуйидаги маълумотларни киритадилар:

- божхона органларида ҳисобга қўйиладиган контрактлар бўйича – бу ҳақда ариза беришдан олдин;

- қолган контрактлар, шу жумладан бепул асосда тузилганлари бўйича – божхона органига божхона юк декларациясини тақдим этишдан олдин. Банклар ТСОЯЭАТдаги маълумотларни контракт шартлари билан солиштирадилар. Контракт билан киритилган маълумотлар ўртасида тафовут бўлмаса, улар ушбу контракт бўйича банк операцияларини ўтказадилар, шунингдек маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тизимга киритадилар. Божхона постлари экспортчи ТСОЯЭАТга киритган контракт маълумотларини БЮД маълумотлари билан солиштириб, тафовут бўлмаганда уни расмийлаштирадилар. Кўриб турганимиздек, банклар ҳам, божхона органлари ҳам сиз тизимга киритган ахборотни контракт маълумотлари билан солиштирадилар. Шу сабабли ТСОЯЭАТ тизимига бошланғич ахборотни қанча сифатли киритсангиз, битимнинг кейинги босқичлари шунча осон ўтади. Қуйидагиларнинг контрактни расмийлаштирамай экспорт қилишига рухсат берилган:

- Интернет тармоғидаги онлайн-дўконлар орқали хорижий валютага экспорт қилиш учун дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи Миллий реестрга киритилган корхоналар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар (20.09.2013 йилдаги ПҚ-

2042- сон қарорнинг 7-банди; АВ томонидан 8.01.2014 йилда 2549-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2, 4-бандлари);

- башарти тўлиқ тўлов Ўзбекистон банкларидаги счётларига тушса, Интернет тармоғидаги онлайн-дўконлар орқали товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчилар (ВМнинг 8.09.2015 йилдаги 259-сон қарори 3-банди);

- агар етказиб бериш суммаси БЮДни расмийлаштириш кунида 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаса ва хорижий валютада 100 фоизлик олдиндан тўлов олинган бўлса, инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар (6.11.2017 йилдаги ПҚ-3377-сон қарорнинг 1- банди);

- Ўзбекистон Республикаси банкларидаги счётларига олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнг инвойслар асосида товарларни (хом ашё товарларидан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт қилувчилар (3.11.2017 йилдаги ПҚ-3351-сон қарорнинг 2-банди). Бунда битимлар ҳақидаги ахборотни ТСОЯЭАТга киритиш мажбурий. Инновация маркази резидентлари бундан мустасно, улар ваколатли банк номига ёзган хат билан экспортдан олинган тушумни тасдиқлашлари керак. Электрон тижорат орқали реализация қилинган 3 минг АҚШ долларигача бўлган товарларни (хизматларни) экспорт қилишда ҳам ТСОЯЭАТда рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 1-банди).

### **ТОВАРГА ИЛОВА ҚИЛИНУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР**

Тижорат ва транспорт ҳужжатлари экспорт битимининг кузатув ҳужжатлари ҳисобланади (БКнинг 9-моддаси). Тижорат ҳужжатлари жумласига инвойс, юклаб жўнатиш ва ўров варақлари ҳамда божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш билан боғлиқ битимлар тузилганлигини тасдиқлаш учун фойдаланиладиган бошқа ҳужжатлар киради. Транспорт ҳужжатлари товарларни ташиш шартномаси борлигини тасдиқлайди ҳамда шундай ташишда кузатиб борувчи ҳужжат ҳисобланади.

### **ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Экспорт-импорт операциялари бўйича асосий тўлов шакллари банк ўтказмалари; ҳужжатли аккредитивлар; инкассо ҳисобланади. **Банк ўтказмаси** банклар томонидан харидорнинг тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади. Товарнинг ҳақи аванс (олдиндан тўлов) воситасида тўлиқ ёки қисман ёхуд товар юклаб жўнатилгандан кейин тўланиши мумкин. Олдиндан тўлов тўлангач товар етказиб берилганда экспортчи хорижий харидордан тўлов келиб тушмаслиги хатаридан суғурталанган бўлади. Сотувчи товар юклаб жўнатилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан кейин банк харидорнинг (импортчининг) кўрсатмасига кўра сотувчи (экспортчи) фойдасига муайян суммани тўлаш учун **ҳужжатли аккредитив** очади. Битим томонлари бир- бирини етарлича танимаганда ушбу тўлов шакли кулайлик туғдиради, сабаби битимда воситачи сифатида банкнинг иштирок этиши иккала томоннинг таваккалчилигини камайтиради. Белгиланган муддатда товар юклаб жўнатилганлиги ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин банк харидор юклаб жўнатилган маҳсулот ҳақини тўлашини сотувчига кафолатлайди. Харидор сотувчи тақдим этган ҳужжатлар аккредитив талабларига жавоб берган ҳолдагина тўлов амалга оширилиши кафолатини олади. **Инкассо** – ушбу операцияда банк ўз миջозининг топшириғига кўра ҳужжатлар асосида тўловчидан пул маблағларини олади ва уларни миջознинг счётига қайд этади. Инкассо тоза ва ҳужжатли бўлиши мумкин. **Тоза инкассо** – молиявий ҳужжатлар (ўтказма ва оддий векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар) бўйича тўловни ундириш. Бунда экспортчи тижорат ҳужжатларини (счётлар, транспорт, суғурта ҳужжатлари, мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатлар, келиб чиқиш, сифат сертификатлари, спецификациялар ва б.) банк иштирокисиз бевосита хорижий харидорга (импортчига) беради. Бу билан банк товар берилишини назорат қилмайди, балки харидор банкидан тўлов келиб тушгандан кейин экспортчининг счётига пул ўтказиб, фақат молиявий ҳужжатлар асосида тўловни амалга

оширади. Бу экспортчи учун пул олишнинг хатарли усули, сабаби у товарни бериб, унинг ҳақи тўланиши кафолатини олмайди. **Хужжатли инкассо** – тижорат хужжатлари илова қилинган молиявий хужжатлар бўйича ёхуд фақат тижорат хужжатлари бўйича ундириш. Ушбу ҳисоб-китоб шакли экспортчи учун камроқ хавф туғдиради, сабаби импортчи фақат товарлар ҳақи тўлангандан кейин уларни олади. Банк фақат акцепт ёки тўлов рад этилганлиги ҳақидаги хужжатларни жўнатади ва топширади. Тўловни эса фақат харидорнинг пул ўтказиш ҳақидаги аризасига кўра ўтказади. Товарларни (янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва хом ашё товарлари бундан мустасно) олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ҳамда экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан ҳам хорижий валютага экспорт қилиш мумкин (ПҚ-3351-сон қарорнинг 1-банди). Бироқ олдин амалга оширилган экспорт операциялари бўйича корхонада муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаганда ушбу шартларда экспорт қилиш мумкин бўлади. Экспорт қилинган товарлар учун тушум тушадиган ягона муддат – хизматлар (ишлар) экспорти учун – бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, товарлар экспорти учун эса – БЮД расмийлаштирилган кундан бошлаб 120 календарь куни.

### **ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ЖАДВАЛИ**

**Экспорт битими** – мураккаб жараён, унинг ҳар бир босқичида муайян хужжатлар расмийлаштирилади. Уларни ўз вақтида расмийлаштириш, улар асосида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, корхона бўлинмалари ўртасидаги хужжатлар ҳаракатини назорат қилиш учун хужжатлар айланиши жадвалини ишлаб чиқишни тавсия этамиз. Жадвалда хужжатларни расмийлаштириш, текшириш, ишлов бериш ва сақлашга бериш учун масъул шахслар (хизматлар), уларни бажариш муддатлари қайд этилади. Ҳар битта хужжат учун жадвал ишлаб чиқилади. У бухгалтерия учун айниқса муҳим, сабаби

бошланғич хужжатлар хўжалик операцияларини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

### **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

Экспорт операциялари бухгалтерия ҳисоби 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган), 22-сон БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқалар, шунингдек Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 17.09.2004 йилда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган) нормаларига мувофиқ юритилади.

**Реализация қилишдан даромад** .Экспортда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни, товарларни, ишларни (хизматларни) **реализация қилишдан олинadиган даромадлар** товарлар юклаб жўнатилганлиги далилини тасдиқловчи хужжатлар асосида эътироф этилади (Солиқ кодексининг 130-моддаси). Товарни реализация қилиш чоғида одатда инвойс (ҳисобварақ-фактура) расмийлаштирилади.

**Ишларни (хизматларни)** реализация қилишдан олинadиган даромад бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура билан тасдиқланади. Масалан, етказиб бериш шартларига қараб реализация қилишдан олинadиган даромад қуйидаги пайтда эътироф этилади:

**EXW** – товар етказиб берувчининг заводида юклаб жўнатилган пайтда;

**FCA** – товар томонлар келишган жойда ташувчига (транспорт харажатлари харидор зиммасида бўлса) ёки харидорнинг вакилига (транспорт харажатлари етказиб берувчи зиммасида бўлса) топширилаётганда;

**CIP** ва **DAP** – товар харидорга топширилатганда, сабаби бундай шароитда транспорт харажатлари етказиб берувчи зиммасида бўлади.

**МИСОЛ.** Корхона 5 минг АҚШ долларилек маҳсулотларни, товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт қилади. Уларни топшириш санасида ЎзР МБ томонидан белгиланган долларнинг сўмга нисбатан курси – 12 500 сўм.

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси		Тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
Маҳсулотлар реализация қилинди	40 590 (5000x12500)	4010- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»	9010- «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»	Шартнома бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура
Товарлар реализация қилинди			9020- «Товарларни сотишдан даромадлар»	
Ишлар (хизматлар) реализация қилинди			9030- «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»	